



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 10 сентябрь, № 185 (8808)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВАТАНГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ



Париж шаҳрида
28 августдан
8 сентябрга қадар
бўлиб ўтган
XVII Паралимпия
ўйинларида 10 та
олтин, 9 та кумуш ва
7 та бронза
медалларини қўлга
киритган Ўзбекистон
пара спортчилари кеча
Ислом Каримов
номидаги “Тошкент”
халқаро аэропортида
тантанали тарзда
кутиб олинди.



Сўнгги йилларда юртимиз фарзандлари халқаро спорт мусобақаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқдаки, уларнинг мазкур ғалабалари мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан би-тиляпти. Яқиндагина Париж шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларни қўлга киритиб, мустақиллигимизнинг 33 йиллигига ажойиб совға тайёрлашган эди. Улар бошлаб берган юксак натижа-ни паралимпиячиларимиз давом эттирди. Франция мезбонлик қилган XVII Паралимпия ўйинларида атлетларимиз муносиб қатнашиб, рекорд натижа билан Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли хисса қўшишди.

Ўзбекистон паралимпиячилари-

нинг мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат паралимпиячиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиш, тажриба орттириш, нуфузли мусобақага йўлланма берувчи беллашувларда муносиб қатнашишни таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, қарорда барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт секцияларини босқичма-босқич ташкил этиш

ҳамда иқтидорга эга жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишни таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш кўзда тутилган.

XVII Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 65 нафар пара спортчиси Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 26 та медалга сазовор бўлди. Мазкур кўрсаткич билан Ўзбекистон спорт делегацияси Паралимпия ўйинларида қатнашган 182 давлат орасида 13, Осиё қитъасида 3, МДХ мамлакатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Ислом мамлакатлари ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни банд этди.

№	Давлат				Жами
1	Хитой	94	76	50	220
2	Буюк Британия	49	44	31	124
3	АҚШ	36	42	27	105
4	Нидерландия	27	17	12	56
5	Бразилия	25	26	38	89
6	Италия	24	15	32	71
7	Украина	22	28	32	82
8	Франция	19	28	28	75
9	Австралия	18	17	28	63
10	Япония	14	10	17	41
11	Германия	10	14	25	49
12	Канада	10	9	10	29
13	Ўзбекистон	10	9	7	26
14	Эстон	8	10	7	25
15	Швейцария	8	8	5	21
16	Польша	8	6	9	23
17	Испания	7	11	22	40

ИФТИХОР

ПАРИЖДАН ТАРАЛДИ ЎЗБЕКНИНГ НУРИ

«Париж — 2024» Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларига

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Хушхабар муборак ўзбек элига,
Шукрин нурын тўқар очган қўлига,
Шодлиги сиймайди бугун дилига,
Қувонч кўша келса қўтлагинг келар,
Қаддинг тутиб, қадринг бутлагинг келар.

Ҳеч қачон сўнамсин миллатнинг кўри,
Ғолиблик сурури, мардлик сурури,
Париждан таралди ўзбекнинг нури,
Шоирман, бу бахтни қозоғза солдим,
Кўклаган кўнглимни парвозга солдим.

Ҳақ деган бандасин қўллаиди Худо,
Асила нигоҳи минг соғдан аъло,
Оламга таралди, рекорддан садо,
Тарих дафтарида битилди мангу,
Биринчи олтиннинг соҳибаси у.

Қудратилла қудратин кўрсатган ўғлон,
Ёрқинбек юрт аҳлин яйратган ўғлон,
Элбек мадҳиямиз янграган ўғлон,
Бу улуг кунларни ким қилмас орзу,
Ўзбек ўғлонларин насибаси у.

Асадбек алпларнинг арслони бўлди,
Ғолиблик рутбаси, унвони бўлди,
Орзу осмонининг нарвони бўлди,
Бутун жаҳон билса ўзбек номини,
Биз нега тутмайлик қувонч жомини.

Хусниддин дунёга доврўг сололди,
Уч қарра Олимпнинг олтинин олди,
Қолди у, ўзбекнинг қалбида қолди,
Ҳайратга солганда жумла жаҳонни,
Нечун шарафламай бундай ўғлонни?!

Токио рекордин янгилаб қўйган,
Бобурлар азалдан Ватанни суйган,
Шерзод ҳам шу қувонч наъшасин туйган,
Нурига тўлдириб турган майдонин,
Бошига кўтарди миллати шонин.

Толиббой рекорди Тангри тўхфаси,
Нурхонни нур қилди ғолиб лаҳзаси,
Ўн бора товланди олтин ҳалқаси,
Юртбоши матлабин янградингиз сиз,
Матонат мактабин яратдингиз сиз.

Кумуш соҳибларин қуйламай бўлмас,
Уларнинг кўнглига бўйламай бўлмас,
Гулжан, Кубарони — сийламай бўлмас,
Кўкка сиймай қолар Сервери борлар,
Зиёда ибратин зиёси порлар.

Кумушхон кумушин ётга бермади,
Рўза шохлигини мотга бермади,
Кенжатоӣ Шаҳина четда турмади,
Миллатим ойлари — ойдин ойларим,
Сизга таъзимдамиз Кумушойларим.

Арпами, бугдойми — бари дон ахир,
Бронза шодаси бу ҳам шон ахир,
Минглаб рақибларга бу армон ахир,
Келинг, элдошларим, қўтланг қўшқўллаб,
Ғолиблар бахтини, умрини тилаб.

Илк медалъ соҳиби Муслима эди,
Темир ва Учқунлар сафдамиз, деди,
Моҳиғул эл қизи, эл ғамин еди,
Оврўпода ўзбек шитоби порлар,
Шеър битсам сўзимнинг офтоби порлар.

Юртбоши қўтлови — юртнинг қувончи,
Халқнинг ифтихори, халқнинг ишончи,
Сухбати кўзлардан томдирди томчи,
Миллат кўксидида тоғин хуш кўрдик,
Шодликка сиймаган чоғин хуш кўрдик.

Янги Ўзбекистон — янги шон билан,
Кун сайин юксалар пок иймон билан,
Беллашиб турибди бор жаҳон билан,
Жаҳон ҳам тан олиб эврилгани бу,
Сиёсат меҳрга йўғрилгани бу.

Шунчаки керилмас ўзбеклар ҳеч вақт,
Халоллик уларга бобомерос аҳд,
Икки Олимп тутган Париждаги тахт,
Одил ниятининг ижобати бу,
Оқил раҳнамосин саодати бу.

АНЖУМАН

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ВА МОДА ИНДУСТРИЯСИНИНГ НУФУЗЛИ ФОРУМИ

Самарқандда дунё тўқимачилик саноатининг икки энг йирик ташилототи — Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси (ITMF) ва Халқаро кийим-кечак федерацияси (IAF)нинг йиллик анжумани бўлиб ўтмоқда.



“Инновациялар, ҳамкорлик ва тартибга солиш — тўқимачилик саноати ва кийим-кечак ишлаб чиқаришининг ҳаракатлантирувчи кучлари” мавзuida ўтказилаётган конференция бугунги кунда дунё бўйлаб ушбу соҳанинг етакчи мутахассисларини бирлаштирган нуфузли тадбирга айланди, десак, муҳолага бўлмайди.

Дастлабки сессияда жаҳон пахта саноатининг 50 йиллик ўзгариши, унинг ҳозирги ҳолати ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Халқаро анжуманнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ж. Хўжаев ўқиб эшиттирди.

Конференцияда Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов сўзга чиқиб, бундай халқаро тадбирнинг вилоятда ўтказилаётгани самарқандликлар учун шараф эканини айтди. Кейинги беш йил ичида Самарқандда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 2,5 бараварга ошганини таъкидлади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган уч кунлик бу конференцияда саноатнинг келажагини шакллантирувчи асосий омиллаларга — глобал ва маҳаллий тўқимачилик индустриясидаги янги технологиялар, ҳамкорлик имкониятлари ва соҳани тартибга солишдаги долзарб масалаларга эътибор қаратилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНМОҚДА

Ҳиндистон академик-таҳлил доираларининг нуфузли вакиллари “Дунё” ахборот агентлигига Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш ва тикланиш жараёнлари ҳақидаги фикрларини тақдим қилди.

Эътироф

Санжай Пандей КУМАР,
Жаҳоҳарлал Неру университети
Халқаро тадқиқотлар мактаби
профессори:

— Ўзбекистонда сўнгги саккиз йил давомида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва ташқи сиёсатда муҳим ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2022 йил тарихий йил бўлди, чунки ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 млрд. доллардан ошди, мамлакатга 8 млрд. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди, экспорт ҳажми эса 19 млрд. долларга етди.

2023 йил ҳам Ўзбекистон тарихида алоҳида из қолдирди. Аҳолининг фаол иштирокида ўтказилган конституциявий референдумда Асосий Қонун матнининг 60 фоизи адолат ва тенглик тамойиллари асосида ҳамда ижтимоий-сиёсий ва маъмурий тизимда йирик демократик ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ўзгартрилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ бўлиб ўтган мuddатидан аввалги Президент сайловида Шавкат Мирзиёев ишончли ғалаба қозонди. Давлат раҳбари сайловдан сўнг ўтказилган тантанали маросимдаги нутқидида ўзбек давлатчилигининг олий мақсади — янги Ўзбекистон, халқ давлати барпо этиш, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг бахтли ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар яратиш эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 21 августдаги қарори билан мамлакатда рўйхатдан



ўтган барча бешта сиёсий партиянинг 27 октябрь кунига белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда иштирок этиши маълумланди. Сайловлар ҳамда пропорционал тизимда ўтказилади. Эътиборлиси, ҳар бир партия томонидан кўрсатилган номзодларнинг камида 40 фоизини аёллар ташкил этиши шарт.

2024 йил Ўзбекистонда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган. Кучли иқтисодийётни барпо этиш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, бизнес фаолияти билан шуғулланиш учун имкониятларни кенгайтириш, фан, инновациялар ҳамда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш ва бошқа долзарб йўналишларда эришилаётган муваффақиятлар келажақда қўлга киритилмайдиган янада юксак марраларнинг мустаҳкам заминини яратмоқда.

Мазкур изчил ислохотлар самарасида ўзбек халқи ўзини мамлакат тақдирига дахлдор ҳис қилиб, тараққиётга йўналтирилган юксак мақсадларга эришиш йўлида ҳамжиҳатлик кўрсатяпти.



МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ВАТАНГА ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ



...9 сентябрь. Тошкент халқаро аэропортига ғолибларни тантанали кутлаш учун давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, паралимпиячиларнинг ота-оналари, яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди. Карнай-сурнай садолари янгради. Чемпион ҳамда совриндор спортчиларимиз махсус тўшалган қизил йўлакда олқишлар билан кутиб олинди.

Спортчиларимиз юз-кўзида ҳаяжон, улар мамлакатимиз довруғини дунёга таратиб, ўзларининг матонатли, ғолиблик руҳи билан она Ватанга улкан ғалабаларини тортиқ қилганидан беҳад қувончда эканини билдиришди.

— Паралимпия ўйинларида иккинчи марта олимп шохсупасини забт этганим чексиз фахр-ифтихор бағишлади, — дейди узунликка сакраш бўйича ёзги Паралимпия ўйинларининг икки карра чемпиони Асила Мирзаёрова. — Мамлакатимизда биз ёшларга яратиб берилаётган

ҳозирлик кўрганлик. Аллоҳга шукр, юзимиз ёруғ бўлди.

XVII Паралимпия ўйинларининг деярли ҳар бир кунда қувончли хабарлари эшитдик. Пара энгил атлетика мусобақалари делегациямиз учун ҳар қачонгидан омадли келди. Ҳамюртларимиздан, айниқса, Ҳусниддин Норбеков Париж шаҳрида ўзининг учинчи чемпионлигини нишонлагани пара спорт тарихида кам учрайдиган воқеалардан биридир. Шунингдек, Асила Мирзаёрова, Элбек Султонов, Қудратиллохон Маъруфхўжаев, Бобурхон Омонов, Толиббой Йўлдошев, Ёркинбек Одилов, Нурхон Курбонова (пара энгил атлетика), Шерзод Намозов (пара дзюдо), Асад Тоштемиров (пара таэквондо) мусобақани олтин медаль билан аяқлашди. Дониёр Салиев, София Бурханова, Қубаро Ҳакимова, Шаҳина Йигиталиева (пара энгил атлетика), Қумушхон Ҳўжаева (пара дзюдо), Рўза Қўзиева, (пара пауэрлифтинг), Зийёда Исоқова, Гулжаной Наимова (пара таэквон-

до) ва Сервер Ибрагимов (пара ўқ отиш) қумуш медаллар билан тақдирланишди. Темур Гиязов, Толиббой Йўлдошев, Нурхон Курбонова, Моҳиғул Ҳамдамова (пара энгил атлетика), Учқун Қуронбоев, Доврухон Кароматов (пара дзюдо), Муслима Одилова (пара сузиш) бронза медалига сазовор бўлди.

— Парижда ёзги Паралимпия ўйинларида тарихдаги энг яхши натижамизни қайд этдик, — дейди найза улоқтириш бўйича олтин ва бронза медаллари соҳибаси Нурхон Курбонова. — Бир ой олдин кимдир

менга Франциядаги энг нуфузли мусобақада чемпион бўласан, деса ишонмасдим. Олдинлари умидсизлик, ўз қучимга ишонмаслик тушқун ахволга соларди. Юксак шижоат, интилиш ҳамда матонат юқори чўққиларга олиб чиқишга амин бўлдим. Қўриб турганингиздек, Паралимпиаданинг икки медалини кўлга киритдим. Бу ғалабаларимга, аввало, устозим ва ота-онамнинг меҳнати, Президентим ғамхўрлиги камарбаста бўлди. Уларнинг ишончли оқлаганидан хурсандман.

Хукумат раҳбарлари, тегишли

давлат ташкилотлари мутасаддилари иштирокида Парижда яқунланган ёзги Паралимпия ўйинларида муваффақиятга эришган спортчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари асосида пул мукофотлари сертификати, Президент совғалари бўлган "Chevrolet Tahoe", "BYD Song Plus EV Champion", "BYD Song Plus DM-i Champion" автомобиллари қалити ва хонадонлар топширилди.

— Ватанимиз байроғини янада юксакка кўтарганимдан хурсандман, — дейди ёзги Паралимпия ўйинларининг ядро улоқтириш бўйича олтин медаль соҳибига Бобурхон Омонов. — Президентимизнинг шахсан ўзлари ғолиб ва совриндорлар билан алоҳида самимий суҳбатлашиб табриклагани, ота-онамизга раҳмат айтгани бизга катта куч беради. Токиода ўрнатган рекордимни Париждаги ёзги Паралимпия ўйинларида янгиладим ва икки карра Паралимпия ўйинлари чемпиони бўлдим. Лос-Анжелесдаги бўлғуси тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасини ҳозирдан ўйлаётиман. Насиб қилса, у ердан ҳам олтин медал олиб қайтаман.

Тантанали маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансур Оллоёров, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир ва бошқалар паралимпиячиларимизнинг ғалабали халқимизга ифтихор бағишлагани, мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор ҳамда ғамхўрликнинг улкан самараси эканини таъкидлашди.

XVII ёзги Паралимпия ўйинларида матонатли спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Навбатдаги Паралимпиада 2028 йили АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтади. Умид қиламизки, унда ҳам бундан-да юқори натижалар кўлга киритилади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Президент Администрацияси департамент раҳбари Одил Абдураҳмонов иштирок этди.

Суннатилла ИСЛОМОВ,
Элёр ҲАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Юнус БҮРИЕВ олган суратлар.



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ВА МОДА ИНДУСТРИЯСИНИНГ НУФУЗЛИ ФОРУМИ

Шу ўринда айтиш жоизки, Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси (ITMF) дунёнинг энг йирик тўқимачилик уюшмаларидан 123 тасини бирлаштирган ва улар таркибидаги тўқимачилик корхоналари ҳамда брендларнинг халқаро алоқаларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Халқаро кийим-кечак федерацияси (IAF) эса 60 та

мамлакат уюшмалари ва улар таркибидаги 100 мингдан ортиқ брендлар ҳамда чакана савдо компанияларини бирлаштиради. Ўзбекистон "ITMF"га 2014 йилда, "IAF"га 2020 йилда аъзо бўлган.

Конференция ушбу икки федерациянинг илк бор биргаликда ташкиллаштирилган тадбири экани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу каби кенг миқёсдаги конференциянинг Ўзбекистонда ўтқа-

зилиши юртимизнинг халқаро бозордаги ўрнини мустахкамлайди.

Тадбир доирасида тўқимачилик кўргазмаси ва модалар намоиши ташкил этилди. Иштирокчилар миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар махсулотлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, конференция давомида "B2B", "B2C" учрашувлари ҳам ўтказилмоқда.

Конференция бугун ҳам ўз ишини давом эттиради. Анжуман давомида "ITMF" мукофотлари сессияси бўлиб ўтади. Унда "ITMF" инновация ва барқарорлик мукофоти — 2024" ҳамда "ITMF халқаро ҳамкорлик мукофоти — 2024" ғолиблари эълон қилинади. Улар "ITMF Awards" ва "ITMF Start-up Award" мукофотлари билан тақдирланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Чем АЛТАН,
Халқаро кийим-кечак федерацияси (IAF) президенти:

— Самарқандда ўтказилаётган нуфузли конференция дунёдаги тўқимачилик соҳаси етакчиларини бир жойда жамлади. Ўзбекистон Президентининг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Табрикда айтилган фикрлар биз учун жуда муҳим. Бунинг учун давлат раҳбарига миннатдорлик билдирамиз.

Албатта, бу тадбирни ўтказиш учун бежиз Ўзбекистон танланмади. Чунки бугун мамлакатимиз тўқимачилик соҳасида катта йўлни босиб ўтиб, улкан муваффақиятларга эришяпти. Келгуси натижалар бундан-да юксак бўлишига ишонамиз.

лицензиясига эга ва ўз пахталарини бозорда сота олади.

Ўзбекистоннинг "Better Cotton" дунё харитасида яққол кўрсатилганини кўрганимиздан жуда мамнунмиз.

Удай ГИЛЛ,
«Indorama Corp.» компанияси вакили (Сингапур):

— "Indorama Corp." компанияси Ўзбекистонда пахта саноатида замонавий технологияларни қўллаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва халқаро алоқаларни мустахкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётганидан мамнунмиз.

Анжуманда тўқимачилик ва кийим-кечак саноатининг доимий ривожланиши ва барқарорлиги учун муҳим бўлган масалалар — бутунжаҳон тола бозори ривожланишидаги муаммо ҳамда ютуқлар, табиий тоғолар таъминотидаги узилишлар ва полиестер синтетик толасининг аҳамияти муҳокама қилинмоқда.

Бундан ташқари, соҳани ривожлантириш учун ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор қаратиляпти. Бу барча учун бирдек муҳим, деб биламан.

Кей Ви ШРИНАВАСАН,
Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари (ITMF) федерацияси президенти:

— Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор Ўзбекистонда ўтказилаётган мазкур анжуманинг юқори савияда уюштирилгани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Бугунги кунда дунё бозорида тўқимачилик махсулотларига бўлган талаб, табиий хомашё ва сунъий материаллардан тайёрланаётган махсулотлар савдоси, нарх тенденциялари ўзгариб бормоқда. Айтиш пайтда пахта толасини тайёрлаш ва тайёр махсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён узлуқсиз занжирини таъминлаш юзга муҳим аҳамиятга эга. Лекин барча давлатларда ҳам бунга эришиш қийин кечмоқда. Ўзбекистонда эса кейинги 7 йилда бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Мамлакат қисқа вақт ичида дунёга хомашё сотувчи давлатдан тайёр махсулот экспортчисига айланди. Ҳатто хомашёни импорт қилиб, кийим-кечак ишлаб чиқариб, сотишга ҳаракат қилинаётгани қувонарли.

Бугун тўқимачилик саноатида янги инновацияларни қўллаш, стартап лойиҳаларга эътиб қатна. Мазкур конференция соҳа субъектларининг бу борада фикр алмашиши учун қулай майдон ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНМОҚДА

Саййид Аҳмад НҲҲОМОН,
«GD Goenka» университетининг
Халқаро алоқалар департаменти
директори ўринбосари:

— Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Ҳиндистон билан таълим соҳасида ҳамкорлик қилишда илғор мавқега чиқиб олганини катта мамнунлиқ билан таъкидламоқчиман.

Ҳиндистон олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган ўзбек ёшлари юксак салоҳият, билимга чанқоқлик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради. Уларни истиқболли келажак ҳамда салмоқли натижалар кутиб турибди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг ушбу йўналишдаги ҳамкорлигимиз янада самарали бўлади.

Давлат мустақиллигининг 33 йиллик санасини кенг нишонлаётган барча Ўзбекистонликлари, айниқса, ушбу кўна заминнинг ёш истеъдодларига юрт фаровонлиги йўлидаги саяҳатқатарларига каттадан-катта омадлар тилайман.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ёрқин муваффақиятларидан биз ҳам қувончга тўламыз. Хусусан, Париж Олимпиадасида 8 та олтин, 2 та қумуш ва 3 та бронза медални кўлга киритган ўзбекистонлик атлетлар мамлакатда спорт маданияти нақадар юксак эканидан, давлат раҳбарияти томонидан ёшларни спортга жалб этиш борасидаги изчил чора-тадбирларнинг юксак натижаларидан далолат бўлди. Ушбу спорт ютуқлари эса Ўзбекистон паралимпиячилари томонидан яна бир бор мустахкамланди.

«Дунё» АА.
Дехли

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

ҚУЁШНИНГ БЕМИННАТ МУРУВВАТИ

Давлатимиз раҳбари 31 май кун Бухоро вилоятига ташири чоғида йирик ишлаб чиқариш, энергетика ва транспорт мажмуалари қурилишини бошлаб берган эди. Ана шундай корхоналар қаторида 250 мегаваттлик қуёш электр станцияси ҳам бор. Олот туманида барпо этилаётган мазкур иншоот учун 649 гектар майдон ажратилган. Қуёш электр станцияси Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar" компанияси томонидан қурилмоқда.

Қурилиш — бир томони қўшни Қорақўл ва Жондор туманлари, бир томони Қашқадарё вилоятига туташиб кетган бепойён саҳро. Бу ерда салкам уч ойдириқ қудратли юк машиналари овози тинмайди. Чўлда инсон ақлу заковати билан битмас-туганмас муқобил манба — қуёш электр станцияси қад ростляпти.

— Қўриб турганингиздек, бу ердаги ишлар пудратчи ташкилот — Ҳиндистоннинг "Jaskon Green" компанияси томонидан амалга оширилмоқда, — дейди ҳамроҳимиз, "Nur — Bukhara Solar project" қуёш станцияси масъул ходими Сўҳроб Болтаев. — Яқин-яқинга қадар масъивда ижтимоий ва экологик ўрганишлар олиб борилади. Офис ҳамда ишчи-ходимлар учун бинолар қурилди. Ажратилган ер майдони панжара билан ўраб олинди. Объектга олиб борувчи йўллар барпо этилди. Асосий назорат, боғланиш иншооти бинолари қуриляпти. Бошқарув пункти қурилиши ҳам жадал бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 30 ноябрдаги қарори ушбу йирик станцияга тамал тоши қўйиш учун асос вазифасини ўтади.

— Бу каби иншоотлар қурилишда етарли тажрибага эгамиз, — дейди, ўз навбатида, "Jaskon Green" компанияси менежери Баскар Медарам. — Бирлашган Араб Амирликлари, Арманистон, Озарбайжон давлатларида, шунингдек, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Жизжаз, Навоий вилоятларида муқобил энергия манбалари асосида ишловчи станциялар қурилишида иштирок этганимиз. Олотдаги мазкур иншоот таркибида энергия сақлагич батареялар ҳам бўлади. Бу Ўзбекистонда илк бор қўлланилаётган тажриба ҳисобланади.

Дарвоқе, қуёш панелларининг салмоқли қисми иншоотга етиб келди. Улар, асосан, Хитойдан,

айримлари Ҳиндистондан харид қилинган. Алоқа кабеллари, чироқлар, камера каби жиҳозларни эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етказиб бераётир.

Эътиборлики, атроф-муҳит, чўл экотизимига имкон қадар зиён етказмаслик чора-тадбирлари қўрилади. Инвесторлар ва мамлакатимиз Энергетика вазирлиги ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига масъул ташкилотлар талаб-истагига кўра, бу юмуш назоратига малакали мутахассислар жалб этилган. Лойиҳага мувофиқ, қуёш панеллари оралиғида ҳам саксовул, юлғун, янтоқ каби ўсимликларнинг ўсиши кўзда тутилди.

Биз лойиҳа қиймати 270 млн. АҚШ доллари бўлган ушбу иншоотга оид баъзи рақамларни ҳам ёндафтарчамизга туширдик. Мўлжалланган 2025 йилда ишга тушириш қўйилган қарарга. У йилига 638 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Натижада қўшумча тарзда 300 минг хонадон электр қуввати билан таъминланади. Йилига 193 млн. куб метр газни тежаш имкони юзага келади. Атроф-муҳитга зарарли карбонат ангидрид чиқиндиларини ташлаш ҳажми йилига 360 минг тоннага қамаяди.

Эътиборлики, вилоятда Саудия Арабистонининг "ACWA Power", Хитойнинг "Gezhouba" компаниялари томонидан ҳам муқобил энергия комплекслари барпо этилмоқда. Маълумотларга қараганда, бу каби йирик иншоотларнинг ишга тушиши натижасида 2030 йилга бориб "яшил" энергия ишлаб чиқариш ҳажми йилига 12,5 млрд. киловаттни ташкил қилади. Бу эса нафақат аҳолининг, балки саноат тармоқларининг электр энергияга бўлган талаб ҳамда эътиёжини қондириш ва шу орқали иқтисодиётни жадал суръатларда ривожлантириш имконини беради.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Шу йилнинг 10 — 12 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида халқаро авиация учун углерод эмиссияларини қисқартириш ва компенсациялаш тизимини жорий этишга бағишланган халқаро тадбир ўтказилади.

УЧРАШУВ

Ал-Азҳар университети ўқитувчилари Сенатда бўлди

Олий Мажлис Сенатида парламент юқори палатаси аъзолари ва Миср Араб Республикасининг Ал-Азҳар университети профессор-ўқитувчиларидан иборат делегация вакилларининг учрашуви ўтказилди.



Унда давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот давомида мамлакатлар парламентлари, ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида доимий алоқалар ҳамда мулоқотлар тобора ривожланиб бораётгани эътироф этилди.

Шунингдек, иккала мамлакатнинг таниқли исломшунос олимлари, етук мутахассислари, дин соҳаси вакиллари қатнашаётган “Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларига оид ислом таълимоти меъёрларини ўрганишининг назарий-таъбиқий жиҳатлари” мавзусидаги ўқув семинари иш жараёнига тўхталиб ўтилди.

Жумладан, семинар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалий таклифларни илгари суриш, тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ижобий тажрибаларнинг ҳаётга таъбиқ этилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, Ал-Азҳар университети кўп йиллардан буён БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси билан хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва саломатлигини таъминлаш ҳамда таълим олиш, меҳнат билан шуғулланиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қўмаклашиш масалаларида ҳамкорлик қилиб келади.

Учрашув давомида келгусида биргаликда амалга оширилажак режалар, ҳамкорликда ўтказиладиган халқаро тадбирлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Тадбиркорлик – жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида мамлакатимиз дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига кўтарилишига хизмат қиладиган қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Буни биргина тадбиркорлик йўналишини изчил ривожлантириш, мазкур соҳа учун барча қўлайлик ва имкониятларни яратиб бериш, пировардида аҳоли бандлигини таъминлаш ва элимиз фаровонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш қийин эмас.

Фикр

Шу тариқа бугун тадбиркорлик ҳаракати Ўзбекистон жамиятининг ўзига хос, иқтисодий жиҳатдан мустақам ва мустақил янги ижтимоий қатламга, янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб улгурди. Айни чоғда тадбиркорлик шунчаки даромад олиш билан чекланиб қоладиган фаолият тури бўлиб қолмасдан, ижтимоий-иқтисодий йўналишларни ҳам кенг ривожлантиришга туртки берадиган муҳим соҳа сифатида ўзини тўла намоён қилаёттир.

Шу боис ҳудудларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантирувчи бизнес муҳитини яратиш, иқтисодиётда хусусий сектор улуши ва аҳамиятини кучайтириш, тадбиркорларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, ёшларни соҳага кенг жалб



қилиш ва уларга ўрнак бўлаётган ишбилармонларни рағбатлантириш масалаларига устувор даражада эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу уринишлар ўзини оқлаётгани барчага маълум. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 — 2023 йиллар давомида иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Утган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фойзини ташкил қилди. Тадбиркорлик субъектлари сони 2 қарра кўпайди, саноатдаги ўсиш суръатлари 40 фойздан ошди ҳамда қисқа муддатларда камба-

ғалликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришилди. Айни чоғда кичик корхона ва микрофирмалар сони 417,1 мингтага етди.

Натижада тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 51,2 фойзини ташкил этмоқда. Уларнинг саноатдаги ҳиссаси — 26,1, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигида — 94,8, инвестицияда — 51,4, қурилишда — 74,7, хизматларда — 43,4 ва экспортда 29 фойзга етгани ҳам эътиборга молик.

Ушбу соҳанинг кенг қулоч ёзишида, албатта, Президентимизнинг алоҳида эътибори муҳим аҳамият касб этаёттир. Гап шундаки, ҳар йили тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг таклифлари асосида соҳага янада кенг шароит ва енгилликлар яратиш ҳамда бу борада муҳим қарорлар қабул қилиш чоралари қўриб келинмоқда.

Анъанага айланган бу йилги тадбир Қорақалпоғистонда бўлиб ўтганидан барчанинг хабари бор. Унда давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг соҳада қўлга киритаётган ютуқларига батафсил тўхталиб, илғор бизнес вакилларидан 37 нафари орден ва медаллар, 104 на-

фари эса “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганини таъкидлаб ўтди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳақида гап кетганда, яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунни алоҳида келтириб ўтмоқчимиз. Негаки, барча соҳада бўлгани каби бизнес вакиллари учун ҳам алоҳида давлат мукофотининг таъсис этилиши бу борадаги ислохотларга янгича суръат бағишлайди.

Олий Мажлис Сенатининг 28 август куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқулланган ушбу Қонун билан “Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур фахрий унвон бизнеснинг янги, юқори даромадли йўналишларини йўлга қўйган, соҳага инновацияларни кенг жорий қилиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий ва маҳаллий инвестициялар-

ни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган соҳа вакилларига берилиши кўзда тутилган.

Қолаверса, ушбу унвонни таъсис этиш орқали тадбиркорларнинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссасига эътиборни қаратиш ва баҳолаш, катта ютуқларга эришган ва жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда фаол қатнашаётган тадбиркорларни аниқлаш ҳамда уларни тақдирлаш, аҳолини, янгиқаса, ёшларни мазкур соҳага кенг йўналтириш ва бизнесга қизиқишни юксалтириш ҳам мақсад қилинган.

Умуман, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Зеро, жамиятимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида майдонга чиққан бу соҳани кучайтиришдан барчамиз бирдек манфаатдормиз.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ ВА АМАЛИЁТ

Олий Мажлис Сенатида “Маҳаллий Кенгаш депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш амалиёти” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Таъкидланганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан ўз ваколатларини рўйбга чиқаришда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга

риоя қилишни таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солиш, мавжуд муаммолар, хато

ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда бундай ҳолатлар яна рўй беришининг олдини олишдан иборатдир.

Тадбир давомида прокуратура органлари томонидан маҳаллий Кенгаш депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасида тақдимнома киритиш, тақдимномани доимий комиссия мажлиси ва Кенгаш сессиясида муҳокама этишда қандай масала-

ларга эътибор бериш лозимлиги ва бошқа долзарб жиҳатлари қўриб чиқилди.

Иштирокчилар томонидан эътироф қилинганидек, бундай семинарларни ўтказиш маҳаллий Кенгашлар депутатларини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ амалиётда учраб турган камчиликларнинг бартараф қилиниши, бу борада қонун устуворлиги ва қонунийлик таъминланиши, маҳаллий Кенгаш депутатининг мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши сифати янада ошишига хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИДА

Инсон манфаатларини таъминлашда муҳим ёндашув

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор масалалар, чунончи, корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ипотека кредити бозорини ривожлантириш, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ваколатларини кенгайтириш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича қўриб чиқилди.

Корпоратив муносабатлардаги бюрократиянинг олди олинади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди.

“Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида ушбу ҳужжати иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида тегишли соҳа мутахассислари, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида бир неча бор ишчи гуруҳ йиғилишлари ўтказилган, фракция аъзолари томонидан берилган таклифлар атрофлича қўриб чиқилиб, аксарияти инobatга олингани таъкидланди.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Аҳмад Шадмонов қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида масъул қўмита томонидан муайян ишлар қилингани ва ҳужжат матни ҳар томонлама маромига етказилганини қайд этди. Депутат Зафар Худойбердиев эса лойиҳадаги айрим нормалар бўйича ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.

Айтилганидек, мазкур ҳужжат ҳўжалик жамиятларининг фаолияти ва уларни бошқаришни соддалаштириш, корпоратив муносабатларни такомиллаштириш, амалиётда ўз аҳамитини йўқотган қатор тартиб-таомиллар ва талабларни бекор қилиш орқали корпоратив муносабатлардаги бюрократиянинг олдини олишга йўл очди.

“Ипотека кредити бозори янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги йилларда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш, ҳудудларда фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва ипотека кредити бозорини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолининг кенг қатлами учун бозор таомилларига асосланган ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида гаров шартномаси ва гаров хати бўйича ҳуқуқларни расмийлаштириш, уларни рўйхатга олиш ва учинчи шахсларга бериш жараёнларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Депутат Аҳмад Назирқуловнинг айтишича, одатда банк ипотека кредитини ажратганидан сўнг ушбу маблағлар қайтишини 20 йил кутиши керак. Банклар ажратилган маблағлар айланмасини тезлаштириш учун ушбу кредитлар ўзини актив сифатида ишлашда. Бунинг воситаларидан бири бу гаров хатини расмийлаштириш ҳисобланади.

Гаров хатини бошқа шахсга ўтказиш фуқаро учун ипотека кредити шартларини ўзгартирмайди ва унга қўшимча мажбуриятларни юкламай-

ди. Фақат кредит бўйича тўловларни қабул қилувчи шахс ўзгаради, холос. Кейинчилик банк гаров хатларини таъминот сифатида ишлатиб, бошқа молиявий институтлардан қарз маблағларини жалб этиши мумкин бўлади.

Шу боис лойиҳа билан айрим қонун ҳужжатларига ипотека муносабатларига электрон гаров хатини жорий қилишга оид ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Йиғилишда қўриб чиқилган қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Коррупцияга қарши курашишда қандай натижаларга эришилган?

Ўзбекистон “Миллий тиклиши” демократик партияси фракцияси йиғилишида Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузаси атрофлича қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, миллий маъруза агентлик томонидан тайёрланган учинчи маъруза бўлиб, унда ушбу йўналишда 2023 йилда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида маълумот берилган. Жумладан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга оид ислохотлар ва комплекс чора-тадбирлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши, соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияга оид жиноятчилик тенденцияси, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти атрофлича таҳлил этилган.

Маълумотларга кўра 2023 йилда республика бўйича судлар томонидан жами 6 535 нафар шахс коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, ўтган йилдаги-га нисбатан бундай шахслар сони 879 нафарга ёки 12 фойзга камайган. Судланган шахсларнинг соҳалар кесимидаги таҳлили энг кўп Мақтабгача ва мактаб таълими вазирилиги, банк соҳаси ва соғлиқни сақлаш тизими ҳиссасига тўғри келган.

Йиғилишда давлат органларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида 93 та вазирлик ва идора расмий веб-сайтларида мониторинг ўтказилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича 44 та тақдимнома юборилгани айтиб ўтилди.

Фракция аъзолари миллий маърузани партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилар экан, амалга оширилган ишларни эътироф этиш билан бирга, айрим масалалар юзасидан ўз эътирос ва таклифларини билдирди.

Депутатларнинг айтишича, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузанинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилиши йилдан йилга чечимокда. Агар бу қонун билан тартибга солинмаса, яъни миллий маърузани тақдим этиш муддати аниқ белгиланмас экан, бундай ҳолат яна такороланиши мумкин.



Мунозаралар давомида миллий маърузада 566 нафар шахс коррупцион жиноятлар бўйича қайта судлангани қайд этилгани, лекин маърузада агентлик томонидан уларга нисбатан қандай чора қўрилгани, бу борада қонунчиликка қандай ўзгартришлар киритиш лозимлиги бўйича таклифлар билдирилмагани айтилди.

Депутатлар қизгин муҳокамадан сўнг коррупцияга қарши курашиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган ишларни эътироф этиб, миллий маърузани қўллаб-қувватлади.

Ички ишлар органлари пробацция бўлинмалари ходимларига қўшимча ваколатлар

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида назорат остидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Депутатлар бу жараёнга партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, таҳлилий ёндашишди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида маъмурий ва пробацция назоратларидаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика-мизда маъмурий ва пробацция назоратларида бўлган шахслар ўртасида профилактика чора-тадбирлари амалга оширилаётганига қарамай, бундай шахслар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бораётгани қузатилмоқда, бу мазкур йўналишдаги ҳуқуқий таъсир чораларининг қайта қўриб чиқилишини талаб қилмоқда.

Шунингдек, суд томонидан белгиланган чекловлар ва мажбуриятларга риоя этмаётган пробацция назоратидаги шахслар томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарликлар юзасидан тезкор ҳамда таъсирчан чоралар қўрилишини таъминлаш учун ички ишлар органлари пробацция бўлинмалари ходимларига қўшимча ваколатларни бериш зарурати юзага келяпти.

Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ва пробацция назоратларидаги шахсларга нисбатан таъсирчан чоралар қўрилишини таъминлаш ҳамда ички иш-

лар органлари пробацция бўлинмалари ходимларининг ваколатларини кенгайтиришни назарда тутувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни ички ишлар органлари номидан 185² ва 187-моддалари бўйича пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомани тузиш ваколати пробацция хизматининг катта инспекторига бериляпти.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция аъзолари томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани ва лойиҳа матнида акс этганлини алоҳида урғуладилар. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши пробацция назоратидаги шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари натижадорлигининг ошишига хизмат қилиши ҳисобга олиниб, қўллаб-қувватланди.

Ипотека кредитини беришнинг замонавий бозор тизими шакллантирилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Айтилганидек, ушбу ҳужжатнинг мақсади Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлиб, 8 боб, 57 та моддадан иборат.

Қонун лойиҳаси билан Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолиятининг кафолатлари каби нормалар такомиллаштирилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг муҳимлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсманнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашиниб, депутатлар бир қатор таклифларни билдирди. Савол-жавоблардан сўнг лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, ипотека кредити бозори янада ривожлантирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Ипотека тўғрисида”ги, “Қимматли қозғолар бозори тўғрисида”ги, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунларга ипотека муносабатларига электрон гаров хатини жорий этишни назарда тутувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, “Ипотека тўғрисида”ги Қонунга онлайн тартибда ёки Давлат хизматлари марказига бориш орқали гаров хатини расмийлаштириш ва гаров хати билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ўзгартришлар киритиш таклиф қилиняпти.

Фракция аъзоларининг қайд этилишича, қонун лойиҳаси гаров хатини расмийлаштириш, уни бериш, қайта молиялаш жараёнини жиддий тарзда соддалаштириш имконини беради.

Қонун лойиҳаси ипотека гаров хатлари айланмасини янада ривожлантириш, аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун янги имкониятлар яратиш, ипотека кредитини беришнинг замонавий бозор тизимини шакллантиришга хизмат қили-шини инobatга олиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Миллий институтлар ҳамкорлиги аниқлаштирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Омбудсман фаолиятининг институционал асослари такомиллаштирилиб, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини кенгайтиришга қаратилган мутлақо янги ҳуқуқлар белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил



(омбудсман) институтининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт сифатидаги аҳамияти оширилиб, соҳага оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилишти. Хусусан, Омбудсман фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, жумладан, Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорлиги аниқлаштирилмоқда.

Фракция аъзолари муҳокама чоғида қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти-нинг ҳуқуқлари кенгайтирилишига ва мажбуриятлари аниқлаштирилишига хизмат қилишини таъкидладилар. Қонун лойиҳаси мунозаралардан сўнг фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, кун тартибидagi бошқа масалалар ҳам атрофлича қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АҚШда илк маротаба ўзбеклар жамиятлари вакиллари ҳамда ушбу давлатда яшовчи ватандош ёшлар иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамини кўтаринки кайфият билан нишонладик. Босиб ўтилган ўттиз уч йиллик давр миллий давлатчилигимиз ривожига учун юз йилликларга тенг тарихий натижаларни тўхфа этди. Мамлакатимизнинг иқтисодий

Нуктаи назар

Хар қандай тараққиётнинг ўз мезонлари, марралари бор. Асосийси, ана шу мезонлар орқали белгиланган марраларга, манзилга етишди. Бугун юртимизнинг барча жабҳасида, у хоҳ иқтисодий-молиявий, хоҳ ижтимоий-сиёсий, хоҳ маънавий-маърифий соҳалар бўлсин, албатта, ўз мезонларига таянилиб, истиқболли режалар белгилаб олинган. Хусусан, таълим тизимида ҳам. Президентимизнинг давлатимиз келгуси тараққиёт марраларини белгилаб берувчи қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда”.

Миллий истиқлолимизни бундан ўттиз уч йил олдин ўта оғир ва мураккаб тарихий вазиятда кўлга киритганимиз ҳеч кимга сир эмас. Мустақиллик йилларида “Таълим-маърифат эътибор — келахакка эътибор” тамойили асосида улкан ислохотлар амалга оширилди. Ўғил-қизларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча имконият, шарт-шароитлар яратилди.

Сўнгги йилларда эришилган юксак марралар мамлакатимизда инсон кадрини улуглашга қаратилган ислохотларнинг самараларини яққол кўрсатмоқда. Мактабларимизда миллийлик гоёси, қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримиз маърифатпарвар жадид боболаримизнинг эзгу орзулари орқали ёшлар онгига сингдириб борилмоқда. Йигит-қизларни ҳаётга тайёрлашда оила, маҳалла ва мактаб механизми бирдек ҳаракатга келтирилди. Мактабгача таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Аёнки, мамлакат тараққиёти бевосита интеллектуал салоҳиятга эга, билимли, юқори малакали миллий кадрларга боғлиқ. Ушбу ўлчов, бу мезон ҳар бир соҳада муҳим аҳамият касб этади. Инсон кадри, манфаати ҳар нарсадан ус-

тармоқларини жадал ривожлантиришда, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштиришда, қисқа айтганда, янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда халқимиз Президентимиз билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқда. Зеро, бу йил Мустақиллик байрами тадбирлари “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” деган бош ғоя остида ташкил этилганда ҳам катта маъно муассасам.

лар иқтисодиёти” ва “инновацион ривожланиш” йўлидан собит-қадамлик билан илгарилашга хизмат қилади.

Шу ўринда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятига назар ташласак. Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилган мазкур илм даргоҳида Куръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, ман-

“Бундан етти йил аввал юртимизда 77 та олий ўқув юрти фаолият юртган бўлса, бу йилга келиб, уларнинг сони 200 дан ошди. Уларда 1 миллион 300 мингдан зиёд талабалар тахсил олмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 9 фойздан 42 фойзга оширилгани — мамлакатда инсон капиталини юксалтириш орқали “билимлар иқтисодиёти” ва “инновацион ривожланиш” йўлидан собитқадамлик билан илгарилашга хизмат қилади.

башунослиги ва фалсафаси каби диний таълим йўналишлари, диншунослик, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз Шарқ адабиёти сингари дунёвий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Бу ерда ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрлар фаолият олиб бормоқда.

Академия ташкил этилган вақтда дунёнинг нуфузли 1000 талиғига кирувчи олиғиҳоларнинг илмий даражасини олган профессор-ўқитувчилар йўқ эди. Айни пайтда бундай ўқитувчиларнинг 8 нафари ўшар жараёнларига жалб этилган. Фан доктори (DSc) ҳамда фан ном-

зоди (DhD) илмий даражасига эга профессор-ўқитувчилар улуши ортиб бориши натижасида илмий салоҳият кўрсаткичи 44,5 фойздан 76 фойзга етди. Шунингдек, академия халқаро “Times Higher Education” (THE) рейтинг агентлигининг 2021 йил учун эълон қилинган “Impact Rankings” рейтинг соҳаси бўйича биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатидаги киришга муваффақ бўлди.

Академия сўнгги икки йилда олий таълим муассасаларининг миллий рейтингига дастлабки ўнналикдан ўрин эгаллади. Жумладан, 2023 йилда республика олий таълим муассасаларининг миллий рейтингига академиямиз 2-ўринни (2022 йилда 7-ўрин) эгаллади. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари илмий салоҳияти рейтингига 70,74 фойз кўрсаткич (2022 йилда 66,5 фойз) билан етакчилик макеини мустаҳкамлаган бўлса, ижтимоий-гу-

лиш педагоглари томонидан олиб бориладиган дарс) ҳамда сайёр машғулотларнинг мунтазам равишда уюштирилаётгани таълимнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Соҳада узвийлиқни таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири — инклюзив таълим имкониятларидан тўғри фойдаланишдир. Инклюзив таълим — ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, ижтимоий ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, ўқиш ва ривожланиши учун шароитлар яратишни назарда тутади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам инклюзивлик масалалари таълим тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Бу эса барча таълим олувчилар тоифалари учун сифатли ўқувни таъминлашга интилиш ва таълим тизимини ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжлари ҳамда имкониятларига мослаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳам инклюзив таълим элементлари жорий қилинган. Жумладан, жисмоний имконияти чекланган талабалар учун қулай шароитлар яратилиши билан бирга кўзи ожиз талабалар учун академиянинг ахборот-ресурс марказида барча фанлардан 82 номда 850 дан ортиқ ўқув адабиётлари Брайль алифбосида нашр қилинган. Шунингдек, кўзи ожизларга мўлжалланган ўқув залида, талабалар тураржойида 2 тадан махсус компьютер дастури ўрнатилган. АРМ сайтида 1674 та аудио-киреб жойлаштирилган, улар 52 та диск кўринишида ҳам мавжуд.

Бугун янги Ўзбекистон маърифий-интеллектуал юксалишининг янги уфқлари томон интилмоқда. Бу жараёнда эса давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Муаммоларимизнинг ечимини, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган қалит ҳам — фақат ва фақат таълим ва тарбиядир”, деган фикрлари ҳаётий қоидамизга айланмоғи шарт.

Ҳайити ҒАҲУРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори.



Айни пишиқчилик мавсумида қизларнинг кокилларидек узун-узун сув ўтлари зариф қўшиқлар қуйлаб оқадиган тиниқ сувли ариқларда чанқокни қондириш, тандирда ёпилган иссиқ нон, меваларни оқизиб ейиш нақадар мароқли эди. У кунлар энди ширин хотирага айланди...

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг миқдор бригадаси ишчиси Юрий Стаников ҳар куни эрта тонгда, кечқурун кўчаларни айланиб, чиқиндига тўлган ариқларни тозалаб юради. Ободонлаштириш соҳасининг у каби ходимлари ҳамюртларимиз бетон ариқларда чиқинди ташлашини тўхтатмаслиги оқибатида асло тиним билмайди. Уззукун қора терга ботиб, узун арматурани судраб юрадиган бу инсон аслида барчамизга тўтилган кўзгу бўлса, не ажаб! Аммо кўзгуга қарашга ҳўшимиз йўқ, чунки бир-биримиздан уялмай, хижолат бўлмай қўйганимизга анча бўлгани ҳам бор гап.

Ўзбекистон тумани маркази Яйпан шаҳрининг марказий кўчаларидаги ариқлар чиқинди уюмларига тўлиб кетавергани учун яқинда онлайн кузатув камералари ўрнатилди. “Оқтепа”, “Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғинлари чорраҳаларига ўрнатилган ана шундай камералар дастлабки кунларнинг ўзида бир неча ҳуқуқбузарликларни қайд этди. Маълум бўлишича, ариқ сувларини ифлослантирувчилар бегона эмас. Шу маҳаллада яшовчи айрим инсонлар тонг сахар ёки

кечқурун махсус чиқинди ташлаш жойларига бориш ўрнига кўча бошидаги ариқларга уйдан чиққан ахлатни ташлаб кетаркан. Фарғона вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси мутахассислари вилоятдаги 14 та очиқ сув ҳавзаси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб боради. Бошқарманинг экологик назорат инспекцияси ҳамда сув, ер ресурслари ва ер ости бойлиқларини муҳофаза қилиш шўбаси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида рейдлар натижасида очиқ сув ҳавзаларини ифлос қилгани учун 120 нафар фуқарога маъмурий жарима қўлланилди.

— Тириклик манбаи бўлган сувдан фойдаланиш, уни тоза сақлаш борасида ҳамюртларимизда истеъмолчилик маданияти етишмайди, — дейди Фарғона шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Дилфуза Хўжаева. — Мутахассисларимиз томонидан Исфайрамсой, Марғилонсой, Жанубий Фарғона канали, Сўх ва Шохимардонсойдан доимо сув намуналари олиб ке-

линиб, таркибидаги кимёвий моддалар (эримайдиган чўкмалар, қуруқ қўйқа, азот нитрит, фосфат ва ҳоказо) микдори бўйича лаборатория таҳлиллари амалга ошириб борилади.

Жорий йилда 10 та очиқ сув ҳавзасидан намуналар олиниб, 200 га яқин таҳлил ишлари амалга оширилди. Натижада деярли барча ҳолатда сув таркибидаги зарарли моддалар меъёридан ортиқча экани аниқланди. Афсуски, аксарият ҳолатда сувни ифлослантириш орқали бунга ўзимиз сабабчи бўлмоқдамиз. Ҳар куни сахарда 671 нафар фаррошимиз ҳудудларни қўлда тозалайди. 430 нафар ходимимиз эса қўқаламзорлаштириш юмушларига жалб этилади. Аммо тушликка бориб-бормай ариқлар, йўл четлари яна чиқиндилар билан тўлиб қолиши таассуфланарли.

Тасаввур қилинг, ҳудуддан кунига ўртача 85 тонна чиқинди йиғиштириб олинади. Шаҳар кўчалари бўйлаб сўғориладиган бетон

ариқлар 140 километрни ташкил этишига эътибор қаратсак, соҳа ходимлари иши қанчалик машаққатли эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Миллий гвардия тизимида экотатруллар фаолияти йўлга қўйилган. Хизмат ходимлари она табиятга бепасанд муносабатда бўлиш, белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш, сувни ифлослантириш сингари ҳолатлар бўйича тезкор чоралар кўрмоқда. Бундай ҳолатлар аниқланганда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан базавий ҳисоблаш микдорининг тегили ҳажмида жарима қўлланилади. Лекин жазолаш, жарима қўллаш билан тўлиқ мақсадга эришиб бўлмайди. Табиат неъматларига меҳр, авайлаб-асраш, келажақ авлодлар олдидаги дахлдорлик ҳисси қалбимизда бўлиши зарур.

Аслида сувга туپурмаслик, ахлат ташламаслик ота-боболаримиздан мерос гўзал қадриятлар сирасига қиради. Аммо бугун нега бундай анъаналар унутиб қўйилмоқда? Бунга изоҳни эса ҳар ким

ўзидан излагани маъқул...

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАРҚуёш фотоэлектр
станцияси
ишга туширилди

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги “Довут ота” божхона чегара пости ҳудудида умумий қуввати 300 кВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.



“Яшил энергия” масъулияти чекланган жамияти томонидан қуриб фойдаланишга топширилган ушбу “яшил” станциянинг ишга туширилиши натижасида ҳар йили қўшимча 434 минг кВт/соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Шунингдек, йилга 132 минг куб метр табиий газ тежалишига эришилди, атмосферага 182 тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.

Чипталар
ҳақиқийлигини
текширувчи
турникетлар
ўрнатилди

“Тошкент” марказий темир йўл вокзалида чипталар ҳақиқийлигини текширувчи турникетлар ишга тушди.

Бу ҳақда “Ўзтемирйўлўловчи” АЖ матбуот хизмати маълум қилди. Ушбу турникетлар электрон чипталардаги QR-кодни сканер қилиб, чипта ҳақиқий бўлса, йўловчининг перронга чиқишига рухсат беради. Сохта ёки қайтарилган чиптага эга бўлган йўловчиларга эса поездга чиқишга тақиқ ўрнатади. Йил охиригача чиптахоналардан расмийлаштирилган чипталар ҳам электрон кўринишга ўтиши режалаштирилган.

Ҳайкалтарошликнинг
энг яхши лойиҳалари
сараланди

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Тошкент — 2024” III халқаро ҳайкалтарошлик симпозиумида мамлакатимиздан 7, хориждан 20 нафар профессионал ҳайкалтарош қатнашди.



Симпозиумда иштирок этиш учун 150 нафар маҳаллий ва хорижлик ҳайкалтарошлар 600 га яқин лойиҳаларини юборди. Улар орасидан 27 та энг яхши лойиҳа танлаб олинди. Ҳар бир ҳайкалтарошлик намунаси табиятни муҳофаза қилишга қаратилган маълум бир гоначи акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Яқинда ҳайкалтарошларга эсдалик совғалари топширилди.

«Ғамхўрлик» гуруҳи
ташкил этилди

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги 36-алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда “Ғамхўрлик” гуруҳи ташкил этилди.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ва мактаб-интернатларида таълим олишга рухсат этилмаган болаларга қисқа муддатли таълим-тарбия бериш ҳамда парвариш мақсадида очилган гуруҳда барча шароит яратилган бўлиб, у болаларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашилмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонаси кўмагида Мюнхен шаҳрида
«Бахтиёр оила» лойиҳасининг саккизинчи учрашуви ўтказилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

153N 0010-678A

47720330 678004

Тахриратта келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусахҳас — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6